


«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ
Акциядорларнинг умумий
йиғилишининг
_____ **даги баённомаси**

Йиғилиш Раиси

 **А.С. Камалов**

«ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ 2023 ЙИЛ УЧУН
РИВОЖЛАНИШ БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент-2022

МУНДАРИЖА

1. «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ хақида қисқача маълумот
2. Кириш
3. «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖнинг яратилиш мақсади ва фаолият турлари
4. Мулк ва Активлар
 - 4.1. Инфратузилма
5. Бизнес ва Маркетинг
6. 2023 йилда устувор вазифаларини амалга ошириш прогнози
7. Буюртмачилар, истеъмолчилар, инвесторлар ва фаолиятини молиялаштириш манбалари
8. Атроф-муҳит
9. 2023 йил учун ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари режаси ва 2022 йилга нисбатан таққосланиши
10. 2023 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси
11. Маркетинг ва реклама стратегияси
12. Жамиятни бошқариш тузилмаси
13. SWOT – таҳлил
14. «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ логистика марказларини 2023 йилга мўлжалланган техник жихозларни, электр иншоотларни, бино-иншоотларни модернизация қилиш, қуриш, қайта қуриш ва қайта тиклаш бўйича режа

Қисқача маълумот:

Ташкилот номи	«Ўзтемирйўлконтейнер» Акциядорлик Жамияти
Мулк шакли	Аралаш
Идоравий мансублик	«Ўзбекистон Темир йўллари» АЖ
Фаолиятини лицензиялаш ва бошқа жараёнлардаги тадбиркорлик ҳуқуқлари	Автомашиналарда юкларни ташиш Божхона ва оддий оморларда юкларни саклаш Экспедиторлик хизматлари ДЛВТ – рўйхатга олиш гувоҳномаси
Устав капитали	3 366 271 минг сўм
Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами	Яшнобод тумани ҳокимининг 18.09.2002 йилдаги 1202-сонли қарори
Рўйхатга олиш давлат органи	Тошкент шаҳар Яшнобод тумани қарори
Асосий фаолияти турлари	Транспорт-логистикаси ва транспорт-экспедиторлик, юкларни ортиш-тушириш, юкларни божхона ва оддий оморларда саклаш ва бошқалар
Бажарилган ишлар ҳажми	2022 йилнинг 9 ойида жами 176 372 млн. сўмни ташкил этди
Ходимлар сони	614 киши (01.10.2022 йил ҳолатига жами ходимлар сони)
Ташкилот манзили ва банк реквизитлари	Тошкент шаҳар 100 060, Шевченко кўчаси, 7 Х/р 20220000504117562001 «ASIA ALLIANCE» АТБ Шайхонтахур филиали УзР, МФО 01057 ИИН 203607858 ОКОНХ 51510
Маъмурий ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар	Бошқарув кенгаши раиси: А.А. Камилджанов Бош ҳисобчи: М.Р. Файзиев
Ташкилот телефон рақами	(998 78) 148-37-79 факс (998 78) 148-37-78 қабулхона

К И Р И Ш

Бизнес-режа мақсади:

Ушбу бизнес-режанинг асосий мақсади 2023-йилда эришилиши лозим бўлган параметрларни аниқлаш ҳамда корхона ривожланишининг режалаштирилган стратегик мақсадларига эришиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ва аниқ тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу бизнес-режа доирасида қабул қилинган асосий стратегия - «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖнинг бозорга йўналтирилган бизнес-корхона сифатида имкон қадар самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат. Демак, «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ бозордаги мақсадларини аниқлаб, ўз хизматларидан кўзланган мақсадларга эришиш ва технологик жараёнда зарур бўлган ҳаракатлар ёрдамида ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида юзага келадиган таҳдидлардан ўз бизнесини ҳимоя қилиш йўлида фойдаланади. Компаниянинг ресурс талаблари, биринчи навбатда, мақсадли бозорлар учун хизматларнинг тўлиқ турларини тақдим этишни таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилади ва мувофиқлаштирилади.

Жамиятда қўлланиладиган шартномавий нархлар мослашувчан, оқилона, мобил бўлиб, корхона томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ҳар бирининг харажатларини қоплабгина қолмай, балки кейинги ривожланиш учун зарур бўлган фойда миқдорини ҳам изчил таъминлаш учун белгиланади. Нарх сиёсати ҳар доим ҳар бир миқозга, уларнинг манфаатлари, қобилиятлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли ва барқарор ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, шунингдек, корхонанинг рентабеллиги ва самарали ишлашини таъминлаш манфаатларига қаратилган.

Стратегия:

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ замонавий, доимий ривожланиб бораётган, ўз миқозларига юқори сифатли ва турли-хил хизматлар кўрсатувчи юқори даромадли корхона сифатида замонавий талабларга мос равишда барқарор фаолият юритишини таъминлаш мажбуриятини раҳбарият ўз зиммасига олади. Бу мақсадга қуйидаги стратегиялар орқали еришилади:

– корхона томонидан кўрсатилаётган хизматларга юқори рақобат кўрсатишга қаратилган, маркетинг ёндашув орқали яқуний мақсад этиб миқозларнинг вужудга келадиган барча талаб ва эҳтиёжларини қондириш орқали энг юқори ижобий молиявий натижа билан чиқиш.

-техник воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий механизациялаш воситалари ва илғор технологияларни жорий этиш, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, турли хилдаги тўлиқ сифатли сервис хизматларни кўрсатиш орқали умумий ишлаш кўрсаткичларини яхшилаш.

- ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЯРАТИЛИШ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг 2002 йил 28 июндаги № 186 К-ПО буйруғига асосан «Ўзтемирйўлконтейнер» УК очик акциядорлик жамиятига айлантирилди ва Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимининг 2002 йил 18 сентябрдаги 1202-сонли қарори билан рўйхатга олинди. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги Қонунга мувофиқ «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ таҳрири АЖ таҳририга ўзгартирилди.

Компания Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг темир йўл транспортидаги контейнерларини ташиш ва бошқа тегишли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратилган.

Ташкилот фаолиятининг турлари:

- логистика марказларига тақдим етиладиган контейнерларда юкларни ортиш-тушириш ишларини ташкил етиш ва тижорат операцияларини расмийлаштириш;

- транспорт юк-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш;

- божхона назорати остида кўчирилган юкларни сақлаш, шунингдек барча божхона кўриклардан ўтган юкларни сақлаш;

- МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ҳудуди ичида контейнер паркларини ўз вақтида қайтарилишини назорат қилишни рақамли ҳисобга олиш тизими жорий этиш орқали ташкил етиш;

- бошқа давлатларнинг контейнерлари паркидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг ўз вақтида эга мамлакатларга қайтишини ташкил етиш;

- Ўзбекистон Республикаси ичида ва кўшни МДХ давлатларида темир йўл ва бошқа тарози эгаларини усқуналарини ўрнатиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

2022 йилнинг 9 ойи давомида барча фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар бажаришдан олинган даромадлар 176 372 млн. сўмни ташкил этди.

ЖАМИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ХОДИМЛАР

Жамиятнинг марказий бошқарув аппарат ходимлари 16 кишидан ва Республика ҳудудида жойлашган 21 та логистика марказларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жамиятнинг барча таркибий бўлиналари ва логистика марказлари Низомда белгиланган хизматларнинг тўлиқ спектрини кўрсатиб келмоқда.

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖнинг қуйидаги логистика марказларида ортиш-тушириш ва тижорат операциялари амалга оширилади:

Тошкент, Чукурсой, Сергели, Охангарон, Туй-Тева, Ховос, Жиззах, Қўқон, Раустан, Марғилон, Ахтачи, Бухоро-2, Тинчлик, Янги-Зарафшон, Улуғбек,

Кармана, Қарши, Дехқонобод, Термиз, Нукус ва Урганч. Шунингдек, Аблик, Оқолтин, Сирдарё, Ассака, Питняк, Назарбек, Келес, Жалоир станцияларида тижорат хизматлари кўрсатилади.

2022 йил 9 ойи давомида Тошкент логистика марказида ходимларининг ўртача сони 56 кишини ташкил этди. Даромадлар 27 668 млн. сўмни ташкил этди. Харажатлар ҳисобот даврида 2 215 млн. сўмни, фойда эса 25 453 млн сўмни ташкил этди.

2022 йил 9 ойи давомида Чуқурсой логистика марказида ходимларининг ўртача сони 52 кишини ташкил этди. Даромадлар 34 908 млн. сўмни ташкил этди. Харажатлар ҳисобот даврида 2 124 млн. сўмни, фойда эса 32 784 млн сўмни ташкил этди.

2022 йил 9 ойи давомида Сергели логистика марказида ходимларининг ўртача сони 28 кишини ташкил этди. Даромадлар 13 563 млн. сўмни ташкил этди. Харажатлар ҳисобот даврида 1 012 млн. сўмни, фойда эса 12 551 млн сўмни ташкил этди.

2022 йил ҳисобот даврида Охангарон логистика маркази ходимларининг ўртача сони 15 кишини ташкил этади. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 13,8 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 527 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 741 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Ховос логистика маркази ходимларининг ўртача сони 7 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 8,2 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 0 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 0 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Жиззах логистика маркази ходимларининг ўртача сони 18 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 11,2 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 42 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 408 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Туй-тепа логистика маркази ходимларининг ўртача сони 7 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 0 минг тоннани ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 54 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Қўқон логистика маркази ходимларининг ўртача сони 21 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 87,4 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 26 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 1 673 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Маргилон логистика маркази ходимларининг ўртача сони 13 кишини ташкил этади. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 40,4 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 13 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 840 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Раустон логистика маркази ходимларининг ўртача сони 15 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 32,7 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 0 та ташкил этди. Ҳисобот даврида жами даромадлар 466 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг ҳисобот даврида Ахтачи логистика маркази ходимларининг

ўртача сони 19 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 33,7 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 13 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 2 547 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Бухоро логистика маркази ходимларининг ўртача сони 49 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 132,2 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 227 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 3 081 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Тинчлик логистика маркази ходимларининг ўртача сони 7 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 5,6 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 239 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 238 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Янги-зарафшон логистика маркази ходимларининг ўртача сони 4 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 0,6 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 64 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 162 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Улугбек логистика маркази ходимларининг ўртача сони 60 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 658,3 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 5 161 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 10 941 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Кармана логистика маркази ходимларининг ўртача сони 12 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 11 минг тоннани ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 223 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Қарши логистика маркази ходимларининг ўртача сони 14 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 2,9 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 7 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 87 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Дехқонобод логистика маркази ходимларининг ўртача сони 5 кишини ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 130 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Термиз логистика маркази ходимларининг ўртача сони 16 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 39,7 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 4 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 1 388 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Ургенч логистика маркази ходимларининг ўртача сони 7 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 10,3 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 1 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 76 млн. сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг хисобот даврида Нукус логистика маркази ходимларининг ўртача сони 7 кишини ташкил этди. Юкларни ортиш-тушириш ҳажми 8,1 минг тоннани ташкил этди. Контейнерлардаги юкларни ортиш ҳажми 107 та ташкил этди. Хисобот даврида жами даромадлар 242 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖга қуйидагилар киради:

- 41 кишидан иборат вазни тортиш ускуналари йўл лабораторияси;
- 16 кишидан иборат таъмирлаш-қурилиш участкаси;
- миқозларни уй жиҳозлари мўлжалланган ўрта тонналик ва 20,40 футлик контейнерларни, қадокланган юкларни ва логистика марказларининг хўжалик эҳтиёжидаги юкларни ташишга мўлжалланган техника билан жиҳозланган 13 кишидан иборат автосарой.

2022 йилнинг 9 ойида «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ барча логистика марказларида олинган жами даромадлар миқдори 114 349 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, қуйидаги даромадлар олинган:

- контейнерлар ташишдан – 8 047 млн. сўм;
- саралаш бўйича ортиш-тушириш операцияларидан – 13 427 млн. сўм;
- транспорт- экспедиторлик хизматларидан – 7 100 млн. сўм;
- ундирилган жарималардан – 176 млн. сўм;
- контейнерларни ижарага беришдан – 119 млн. сўм;
- асосий фаолиятни бошқа йўналишларидан 1 248 млн. сўм, шу жумладан:
 - ✓ асосий воситаларни балансдан чиқишдан олинган фойда – 1 203 млн.сум;
 - ✓ бошқа операцион даромадлар – 235 млн. сўм (металл чиқиндиларини топширишдан тушган даромад – 148 млн. сўм., асосий воситалари қиримидан – 2,6 млн. сўм. ва бошқалар);
- олинган ва тўланган фойзалардан даромадлар – 6 281 млн. сўм;
- курс фарқидан олинган даромадлар – 25 543 млн. сўм;
- олинган дивидендлардан - 82 млн. сўм;

2021 йилнинг 9 ойида жамият бўйича ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан олинган жами даромадлар миқдори 176 372 млн. сўмни ташкил этди.

МУЛК ВА АКТИВЛАР

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ юридик манзили Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 7.

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ ва унинг бўлинмалари эгаллаган умумий ер майдони 1 214 000 кв. метр.

Ўз фаолиятини амалга ошириш учун жамиятда зарур ишлаб чиқариш объектлари, кўтариш механизмлари, автотранспорт воситалари парки ва тегишли малакага эга ходимлар бор.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, асосий воситалар балансидаги қиймати 153 192 млн. сўмни, қолдиқ қиймати 94 540 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача эскириш миқдори 38,3% ни ташкил этди. Баланс активи 638 261 млн. сўмни ташкил этди.

ИНФРАТУЗИЛМА

«Ўзтемирийўлконтейнер» АЖ логистика марказлари ва бўлинмаларида 2022 йил 1 ноябр ҳолатига қуйдаги механизмлар билан жихозланган

Юк кўтарувчи механизмлар сони - 26 та, ушдан:

Юклагичлар фронтал – 5 та: шундан – Lonking LK-833 – 4 та, ТО-18 – 1 та;
Вилкали юклагич – 20 та: шундан – Mitsubishi – 8 та, ХАНЧО – 1 та, Феррари - 2 та, Лифткинг – 1 та, Liugong Cpcd30 – 4 та, IMOW ICE251 – 4 та;
Контейнер юклагич 1- та.

Юк кўтарувчи электр чорпоя кранлари, автокран жами 43 та, ушдан:

Автокран - 2 та: шундан – МАН КС-55724 – 1 та, КАМАЗ КС-55713– 1 та;
Чорпоя кран – 40 та: шундан – КК/5 - 5 та, КК/6,3 – 8 та, КК/12,5 – 6 та, КПБ/10 – 2 та, ККС/10 - 1та, КК/32 – 1 та, К305/Н – 11 та, КК/50 – 2 та, КК/20 – 4 та;
Ўзиюрар кран ТАДАНО – 1 та.

Юк автоуловлари 19 та:

ЗИЛ-138 - 4 та (3 таси носоз);
ГАЗ – 3 та (1 та носоз бензовоз);
МАЗ – 1 та (носоз);
Камаз – 9 та;
ИЗУЗИ – 2 та;
Ярим тиркама – 11 та (2 та носоз).

Енгил автоуловлари 17 та:

Ласетти - 5 та;
ЛАДА – 2 та (1 та носоз);
Каптивa – 1 та;
МАТИЗ – 1 та;
НЕКСИЯ – 4 та;
ГАЗ- 31 – 1 та;
ТИКО – 1 та;
ХУНДАЙ – 2 та (носоз).

БИЗНЕС ВА МАРКЕТИНГ

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ хизматлари истеъмолчиларига давлат ва нодавлат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек кўшма корхоналар, хорижий компания ва фирмалар киради.

Реклама фаолиятини ривожлантириш:

– бизнинг жамиятимиз ҳақида маълумот www.utk.uz. веб-сайтида мавжуд. Шунингдек, жамият томонидан реклама фаолиятини кенгайтириш орқали бозорда ўз хизматларини фаол тарғиб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

- маълум мудатда Ўзбекистон Республикаси божхона кўмитаси, юк жўнатувчилар ва юк қабул қилувчилар билан юк жўнатиш масаласи бўйича йиғилишлар, учрашувлар ўтказилиб келинмоқда;

– юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчиларни ўз вақтида ҳаракат таркиби билан таъминлаш мақсадида Россия Федерациясининг ўзини ҳаракат таркибига эга йирик компаниялар билан шарномалар имзоланган. Улар «Трансконтейнер» ОАЖ, «А-Транс» МЧЖ ва «Trans group systems L.P.» ва бошқалар. Бунинг натижасида 2022 йилнинг 9 ойида ҳаракат таркиби ташувини ташкил этишдан (оперирование) жами 41 339 млн. сўм даромад олинди;

- логистика марказлари раҳбарларига контейнерлардаги ва вагонлардаги юкларни ташиш учун юк жўнатувчиларнинг сўровларини қабул қилиш ва расмийлаштириш ваколати берилган.

2023 йилда қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

- юкларни ташишда етказиб бериш вақтини ва таннархини камайтириш, контейнер блоки поездларини оптимал йўналишлар бўйлаб ташкил этиш ва шакллантириш ишларини давом эттириш;

- транспорт хизматларини янада тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини шаклланишининг олдини олиш мақсадида, логистика маркази ва бошқарув аппарати биноси ўртасида ВПН канали (хавфсиз шифрланган маълумотларни узатиш тизими канали) орқали логистика марказлари касса иш жараёнларини автоматлаштириш учун дастурий таъминотини амалга ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида аралаш ташувлар, яъни темир йўл ва автотранспорти юкларни ташишни ривожлантириш;

-логистика марказларини техник жиҳозлар ва бошқа ускуналар билан таъминлаш, тизимли равишда ривожлантириш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш;

- жамият ходимларининг билим ва малака даражасини доимий равишда ошириб бориш;

- ахборот технологияларини жорий этиш орқали контейнер паркинни ҳисобга олишни такомиллаштириш;

- халқаро стандартларга мувофиқ кўрсатиладиган хизмат ва хизматларнинг сифат даражасини сақлаб қолиш ва компаниянинг барча бўлинмаларида ISO 9001 ни жорий этишни амалга оширишни яқунлаш.

2023 ЙИЛДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРОГНОЗИ

Жамиятнинг устувор вазифаларини бажариш мақсадида, контейнердаги юкларни қайта ишлашни режалаштирилган ҳажми сўзсиз амалга оширилиши устида ишлашни амалга ошириш, бу билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш, зарур хизматлар рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, мослашувчан ва самарали нарх сиёсатини тадбиқ этиш, узок муддатли устувор йўналишда ривожланиш ва режадаги кўрсаткичларни бажариш, ишлаб чиқаришдаги самарасиз йўқотишларни камайтириш, бошқариш тизимини такомиллаштириш, олинган фойдадан самарали фойдаланиш, корхонанинг ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган кадрлар сиёсати ва ижтимоий сиёсатни мослашувчан сиёсатга ўтказишни таъминлаш.

Ташкилотнинг барқарор молиявий ҳолатини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Сўнгги йилларда барқарор иш муваффақиятли тажрибаси меҳнат жамоасининг бизнес-режада белгиланган барча ривожланиш параметрларини сўзсиз эришишга амин бўлиш имконини беради.

Мавжуд логистика марказлари техник салоҳиятини ошириш, шунингдек, замонавий технологиялар ёрдамида темир йўл транспортида контейнерларни ташишни ривожлантириш мақсадида «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ замонавий технологиялар, логистика марказларини модернизациялаш ва янгилаш, мавжуд механизмлар паркни қўллаш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқди.

Ушбу дастур логистика марказларининг механизмлари ва инфратузилмасини янгилаш, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материалларини тежаш, янги механизмларни жорий этиш ва мавжудларини замонавий технологиялар ёрдамида янгилаш орқали қайта ишланаётган юк ҳажмини ошириш имкониятини беради.

БУЮРТМАЧИЛАР, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, ИНВЕСТИТОРЛАР ВА ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Жамиятнинг миқозлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корхоналари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек кўшма корхоналар, хорижий компания ва фирмалардир.

Режалаштирилган даврда жамият раҳбарияти бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш каби долзарб масалаларини ҳал қилиши, дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши керак бўлади. Барча йирик миқозлар ва ҳамкорлар билан узок муддатли ҳамкорлик шартномалари бор бўлиб, барқарор ҳамкорлик учун шерикчилик муносабатлари ташкил қилинган.

Бозор шароитида кўпчилик давлат корхоналари тасарруфидан бошқа мулк шакллариغا айлантирилганда, фаолиятни мувофиқлаштириш, маблағларни тўплаш, ягона техник ва молиявий сиёсатни амалга ошириш, янги ресурс тежовчи ва экологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти зарур шартга айланмоқда.

2023 ЙИЛДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида малакали, юксак билимли, илғор фикрли, фидойи мутахассисларни кадрлар билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Жамият маъмурияти бу масалага жуда кучли эътибор қаратяпти. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар белгиланган вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Бошқарув ходимлар захираларни тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, бунда Тошкент, Бухоро, Термиз логистика марказлари контингентига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тош ДТТ малака ошириш марказида ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди:

Юк ва тижорат фаолияти логистикасини такомиллаштириш:

- юк қабул қилиб топширувчи - 6 киши
- юк ғазначиси - 2 киши
- меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис – 1 киши
- муҳандис - 1

Бундан ташқари, ходимларнинг масъулиятини ошириш ва малакасини ошириш самарадорлигини кўпайтириш учун логистика марказлари ва бўлимлари раҳбарларига малака даражаси бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш ва турли курсларда ўқитилган ёки қайта тайёрланган қуйи ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш доимий равишда қўлланилади.

Юқорида қайд этилган барча чора-тадбирлар корхона олдида қўйилган вазифаларни янада муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилади.

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ
бошқарув раиси в.б.



А.А. Камилджанов

ЖДКЭ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш бўйича

“Ўзтемирўлконтейнер” АЖда 2022 йилнинг куз мавсуми учун РЕЖА

т/р	Корхона номи	Худуд номи	Ходимлар сони			РЕЖА (дона)		амалдаги яшил майдонлар сони	янгидан барпо этиладиган яшил майдонлар РЕЖАСИ		яшил майдонларни сўғориш узунлиги (км)	шундан		яшил майдонларни сўғориш учун талаб этиладиган кудуқлар сони	шундан	
			Медали	манзарали	ЖАМИ	дарахт турлари бўйича	сон		ер майдони (m ²)	янгидан қурилган ирригация узунлиги (км)		таъмирланган ирригация тизими узунлиги (км)	янгидан қурилган кудуқлар сони		таъмирланган кудуқлар сони	
1	Нукус Л/М	Қорақалпоғистон Республикасида	8	10	20	10	10	2	1	20	0	0	0	0	0	0
2	Анджон Л/М	Анджон вилоятида	19	10	30	10	20	3	1	100	0,5	1	0	4	0	0

3	Бухоро Л/М	Бухоро вилоятида	46	45	50	95	3	0	500	0,2	0	0	0	0	0
4	Жиззах Л/М	Жиззах вилоятида	18	40	60	100	5	3	700	3	0	0	2	0	0
5	Қарши Л/М	Қашқадарё вилоятида	17	30	20	50	6	2	20	0,5	0	0	1	0	0
6	Деҳқонobod Л/М	Қашқадарё вилоятида	5	20	10	30	4	2	30	1	0	0	1	0	0
7	Кармана Л/М	Навой вилоятида	12	10	10	20	2	1	500	2	0	0	0	0	0
8	Тинчлик Л/М	Навой вилоятида	7	20	10	30	2	1	500	0,5	0,5	0	1	1	0
9	Я.Зарафшон Л/М	Навой вилоятида	4	3	4	7	1	1	40	0	0	0	0	0	0
10	Ровустон Л/М	Наманган вилоятида	15	32	5	37	3	0	0	0,5	0	0	0	0	0
11	Улугбек Л/М	Самарқанд вилоятида	63	10	5	15	5	1	50	0	0	0	0	0	0
12	Ховос Л/М	Сирдарё вилоятида	8	5	10	15	1	1	20	0	0	0	0	0	0
13	Термиз Л/М	Сурхондарё вилояти	20	27	70	97	2	0	0	0	0	0	0	0	0
14	Марғилон Л/М	Фаргона вилоятида	13	10	10	20	3	0	0	0	0	0	0	0	0
15	Кўкон Л/М	Фаргона вилоятида	22	20	22	42	3	0	0	0	0	0	0	0	0
16	Урганч Л/М	Хоразм вилоятида	7	6	38	44	2	0	0	0,3	0	0	0	0	0
17	Тўй-тепа Л/М	Тошкент вилоятида	7	0	10	10	1	0	0	0	0	0	0	0	0
18	Оҳангарон Л/М	Тошкент вилоятида	16	0	15	15	1	0	0	0,3	0	0	2	0	0
	ЖАМИ		307	298	379	677	49	14	2480	8,8	1,5	0	11	1	0

**2023 ЙИЛ УЧУН
 ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
 РЕЖАСИ ВА 2022 ЙИЛГА НИСБАТАН ТАҚҚОСЛАНИШИ**

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	2022 йил Қутилаётган	2023 йил Режа	2022 йилга нисбатан %
Жами - Даромадлар	минг сўм	219 055 025	259 879 793	119
Шу жумладан:				
- Асосий фаолиятдан тушган даромадлар	минг сўм	180 773 350	236 174 381	131
- Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	минг сўм	3 915 155	10 623 956	271
- Молиявий фаолиятнинг даромадлари	минг сўм	32 248 578	13 081 456	41
Юкларни ортиш-тушириш хажми	минг тонна	1 461,3	1 519,8	104
Юкларни контейнерларга ортиш	-«-	1 127,9	1 142,9	101
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	минг сўм	245 000		

**2023 ЙИЛ УЧУН
 ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ВА АСОСИЙ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ
 КЎРСАТКИЧЛАРИ РЕЖАСИ ВА 2022 ЙИЛГА НИСБАТАН ТАҚҚОСЛАНИШИ**

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	2022 йил Қутилаётган	2023 йил Режа	2022 йилга нисбатан %
Жами - Даромадлар	минг сўм	219 055 025	259 879 793	119
Ўртача ишчилар сони	ишчи	582	582	100
Юкларни ортиш-тушириш хажми	минг тонна	1 461,3	1 519,8	104
Мехнатга ҳақ тўлов фонди	минг сўм	45 411 317	53 504 036	118
Мехнат унумдорлиги	1 ишчи учун тонна	15 065	15 818	105
Ўртача ойлик иш ҳақи	сўм	6 502 193	7 660 944	118
Жами-Харажатлар	минг сўм	111 734 095	112 044 589	100
Шу жумладан:				
- Асосий фаолиятнинг харажатлари	минг сўм	84 868 294	103 204 589	122
- Молиявий фаолиятнинг харажатлари	минг сўм	26 865 801	8 840 000	33
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	минг сўм	107 320 930	141 753 748	132
Соф фойда	минг сўм	91 222 791	120 659 482	132
Жамиятни ривожлантириш учун	минг сўм		40 000 000	100
Дивидентлар тўлови учун	минг сўм		80 659 482	

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ
 бошқарув раисив.б.



А.А. Камилджанов

2023 ЙИЛ УЧУН ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

(минг сўм)

№	Ишлаб чиқариш – молиявий кўрсаткичлари	2023 йил Режаси
1	Хизматларни сотишдан соф тушум (асосий фаолият)	236 174 381
2	Сотилган хизматларнинг таннархи	78 578 966
3	Ялпи молиявий натижа	157 595 415
4	Давр харажатлари	26 267 040
5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	10 623 956
6	Солиқни тўлагунга қадар молиявий натижа	141 952 331
7	Фойда солиғи, 15%	21 292 850
8	Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	-
9	Соф фойда	120 659 482

Эслатма: 2023 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси курс тафовути
жиддий ўзгаришсиз ҳисоблаб чиқилган.

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ
бошқарув раиси

ЖДКЭ 




А.А. Камилджанов

**Логистика марказлари учун 2023-йил учун прогноз қилинаётган даромадлар ва
харажатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**


ЛМ номи	Даромадлар (млн. сум)			Харажатлар (млн. сум)			Молиявий натижа (млн. сум)		
	2022 й. кутилаёт.	2023 й. прогноз	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й. прогноз	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й. прогноз	%
Чукурсай	45 558	50 114	110	2 899	3 060	106	42 660	47 054	110
Ташкент	35 973	39 570	110	3 061	3 200	105	32 912	36 370	111
Сергели	17 485	20 982	120	1 390	1 460	105	16 095	19 522	121
Ахангаран	1 016	1 087	107	828	890	107	187	197	105
Той-тепа	122	450	369	415	436	105	-293	14	
Хаваст		636		564	592	105	-564	43	
Джизак	619	1 670	270	1 536	1 613	105	-918	57	
Аблык	8 668	9 275	107	482	515	107	8 187	8 760	107
Жами	109 441	123 783	113	11 175	11 766	105	98 265	112 017	114
Коканд	2 099	2 309	110	1 586	1 690	107	513	619	121
Раустан	623	1 315	211	1 147	1 204	105	-524	111	
Маргилан	1 099	1 540	140	1 380	1 490	108	-280	50	
Ахтачи	3 212	3 533	110	2 110	2 265	107	1 102	1 268	115
Асака	7 105	7 816	110	510	545	107	6 595	7 271	110
Жами	14 138	16 513	117	6 732	7 194	107	7 406	9 319	126
Бухара-2	3 867	9 590	248	8 949	9 450	106	-5 082	140	
Тинчлик	330	582	176	529	555	105	-199	27	
Навои (Кармана)	955	5 350	560	4 950	5 290	107	-3 996	60	
Янги- Зарафшан	227	275	121	239	251	105	-13	24	
Улугбек	14 423	15 865	110	9 085	9 540	105	5 338	6 325	118
Жами	19 801	31 662	160	23 753	25 086	106	-3 951	6 576	
Карши	110	1 248	1 132	1 111	1 200	108	-1 000	48	
Дехканабад	156	660	424	575	604	105	-419	56	
Жами	266	1 908	717	1 686	1 804	107	-1 420	104	
Термез	1 737	3 360	193	3 139	3 310	105	-1 403	50	
Жами	1 737	3 360	193	3 139	3 310	105	-1 403	50	
Нукус	331	658	199	582	611	105	-251	47	
Кирккиз	17	18	107	11	12	105	6	7	111
Ургенч	95	602	631	493	517	105	-397	85	
Питняк	337	361	107	129	135	105	208	225	108
Жами	781	1 639	210	1 214	1 275	105	-433	364	
ЎТК бўйича ЖАМИ	146 164	178 866	122	47 699	50 435	106	98 465	128 431	130

**Логистика марказлари учун 2023-йил учун прогноз қилинаётган
даромадлар ва харажатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**




	Даромадлар (млн. сўм)			Харажатлар (млн. сўм)			Молиявий натижа (млн. сўм)		
	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%
■ Чуқурсай	45 558	50 114	110	2 899	3 060	106	42 660	47 054	110
■ Ташкент	35 973	39 570	110	3 061	3 200	105	32 912	36 370	111
■ Сергели	17 485	20 982	120	1 390	1 460	105	16 095	19 522	121

**Логистика марказлари учун 2023-йил учун прогноз қилинаётган даромадлар ва харажатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**




	Даромадлар (млн. сўм)			Харажатлар (млн. сўм)			Молиявий натижа (млн. сўм)		
	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%	2022 й. кутилаёт.	2023 й.	%
■ Той-тепа	122	450	369	415	436	105	-293	14	
■ Хаваст		636		564	592	105	-564	43	
■ Джизак	619	1 670	270	1 536	1 613	105	-918	57	
■ Аблык	8 668	9 275	107	482	515	107	8 187	8 760	107


Логистика марказлари учун 2023-йил учун прогноз қилинаётган даромадлар ва харажатлар тўғрисида МАЪЛУМОТ



ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ УЧУН 2023-ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ ҚИЛИНАЁТГАН ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ



Логистика марказлари учун 2023-йил учун прогноз қилинаётган
даромадлар ва харажатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ



МАРКЕТИНГ ВА РЕКЛАМА СТРАТЕГИЯСИ

«Ўзтемирйўлконтейнер» АЖнинг 2023 йилга режалаштирган маркетинг ва реклама стратегияси қуйидагилардан иборат:

- Юкларни экспорт, импорт қилишда муқобил ташиш коридорларини ўрганиш;
- Логистика марказларига янги юк ҳажмларини жалб қилиш бўйича ишлар олиб бориш;
- Логистика марказлари фаолиятини 3PL даражага етказиш бўйича ишларни ташкил этиш;
- Логистика марказларини трансформация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Чет эл компаниялари билан биргаликда кўшма корхона тузиш;
- Халқаро ва маҳаллий транспорт-логистика кўргазмаларида иштирок этиш орқали жамият мавқеини ошириш;
- Жамият мавқеини халқаро аудиторияда юқори даражага олиб чиқиш мақсадида “Ребрандинг” ўтказиш бўйича таклиф киритиш;
- Ички юк ташувларида экспресс поездлар қатновини Республиканинг Бухоро, Хоразм, Навои, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида жорий этиш имкониятларини ўрганиш;
- «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖнинг асосий фаолияти тўғрисида маълумот берувчи видеоролик (ўзбек, рус, инглиз тилларида) яратиш;
- Транспорт логистика кўргазмаларида иштирок этиш ва миқозларга жамиятимиз тўғрисида батафсил маълумот етказиш мақсадида жамият «brand book»ини яратиш;
- Ижтимоий тармоқларда жамият фаолияти тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб туриш.

SWOT-ТАҲЛИЛ

Корхонанинг асосий вазифалари:

– Хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг эҳтиёжларини тўла қондирилишини таъминлаш.

- Транспорт хизматлари бозорида етакчи ўринларни эгаллаб туришни мустаҳкамлаш.

- Жамиятнинг рентабеллик даражасини ва барқарор ўсишини таъминлаш.

Корхонанинг рақобат устуликлари:

- «эшикдан-эшикга» тўлиқ комплекс хизматларини тақдим этиш.

- хизмат кўрсатишда ҳар бир мижозга алоҳида индивидуал ёндашув, уларнинг манфаатлари, имкониятлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда барқарор ва узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликларнинг мустаҳкамланиши, ривожланишини тўлиқ таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси бўйича экспресс контейнер поездлари ҳаракати йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда Тошкент худудидан (Чукурсой, Сирғали, Тошкент логистика марказларидан) Водий худудига (Ахтачи, Кўкон, Марғилон логистика марказларига) ҳамда Самарқанд худудига (Улуғбек логистика марказига) экспресс контейнер поездлар ҳаракати йўлга қўйилган.

- ушбу бозор сегментида кўп йиллик тажриба борлиги, бизнесни ривожлантириш тенденцияларини ижобий ва салбий томонларини билиш.

– Ўзбекистон Республикасининг худудига жойлашган контейнерлар билан барча зарур операцияларни бажариш учун жиҳозланган кенг контейнер терминаллари, логистика марказлари.

Заиф томонлар ва камчиликлар:

- Юклаш ва тушириш механизмларининг эскирган парки.

– «Ўзтемирийўлконтэйнер» АЖ транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ва юкларни жўнатганда ва қабул қилганда (декларация қилиш, юк ҳужжатлари юк эгаси номидан расмийлаштириш, транзит давлатларда барча станция хизматларини тақдим этиш ва тўловини амалга ошириш) комплек хизматлар кўрсата оладиган, МДХ ва учинчи давлатларга чиқадиган хусусий контейнерлари ва фитинг платформалари бор компаниялар билан кескин рақобат.

Бизнесни ривожлантириш имкониятлари:

– ташкилотни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, даромадларни кўпайтиришга қаратилган тадқиқотлардир.

- даромадни ошириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, терминалларда юкларни қайта ишлаш, юкни жўнатувчига етказиб бериш учун ташишни тўғри ташкил этишдан бошлаб, кўрсатиладиган хизматларнинг барча турларини кенгайтириш лозим.

- энг истиқболли йўналишлардан бири контейнер блокли поездларни ташишни ташкил этишдир.

Контейнер блок поездларида юкларни ташиш тадбиркорлар учун жуда қулай бўлиб, у қуйидаги имкониятларни беради:

- юкларни етказиб бериш вақтини сезиларли даражада қисқартириш;
- юкнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- контейнерлардаги юкларни кузатишда узлуксиз назоратни таъминлаш;
- хусусий контейнерлар айланмасини тезлаштириш;
- чегара пунктларида кенг колеядан тор колеяга ўтишда контейнерларни

саралаш ва контейнерларни ортиш-туширишдан қўшимча ишлаб чиқариш харажатларини бартараф этиш йўли билан ташиш харажатларини камайтириш.

Контейнер блок поездлар ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари мажмуаси юк айланмаси ўсишига хисса қўшади, контейнер операциялари рентабеллик ортиши, контейнер саралашда ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли камайтириш имкониятини беради. Бундан ташқари, кенг колеядан тор колеяга ўтишда чегара пунктларида ўтказиш пайтида контейнер қайта юклаш учун ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Контейнер блокадаги поездларда юк ташиш ҳам темир йўлда айланмасини сезиларли даражада тезлаштириши, уларнинг унумдорлиги ва фойдаланиш самарадорлигини ошириши мумкин. Контейнер поездлари сигимидан янада самарали фойдаланиш учун бўш контейнерларни бўш қайтаришда ўрнига уларга Ўзбекистон Республикаси экспортёрлари юкларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Бизнесни ривожлантириш учун мумкин бўлган таҳдидлар:

- нархлар пастроқ бўлган маҳаллий ва хорижий юқори ҳаракатдаги юк ташувчилар сонининг ошиши. Айниқса, маҳаллий ташувчилар ва Эрон-Туркия йўналишидаги ташувчилар.

"Ўзтемирйўлконтейнер" АЖнинг 2021-2023 йиллардаги молиявий оқимлари

млрд. сўм

№	Кўрсаткичлар номи	2021 йил	2022 йил 9 ой	2023 йил режа
I.	Даромадлар, шу жумладан:	199,2	176,4	230,0
	маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушум	163,6	141,5	207,3
	молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	21,7	31,9	15,5
	бошқа даромадлар	13,9	3,0	7,2
II.	Харажатлар, шу жумладан:	62,9	85,6	129,8
	Ишлаб чиқариш харажатлари	62,9	85,6	74,8
	иш ҳақи фонди, ижтимоий тўлов билан	33,5	34,2	51,4
	материаллар (ёқилги ва электрэнергияни ҳисобга олиб)	4,8	2,6	3,0
	амортизация	4,1	12,7	15,4
	бошқа харажатлар	20,4	36,1	5,0
	Давр харажатлари, шу жумладан:	20,4	21,7	26,5
	сотиш харажатлари	0,024	0,1	1,6
	маъмурий харажатлар	2,6	2,7	3,6
	бошқа операцион харажатлар, шундан:	17,8	18,8	21,3
	<i>солиқлар ва мажбурий ажратмалар</i>			
	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	7,3	23,7	10,8
	Фойда солиғи	14,2	10,1	17,7
III.	Соф фойда	122,1	80,6	100,2

"Ўзтемирйўлконтейнер" АЖНИНГ 2023 йил учун асосий самардорлик кўрсаткичлари прогнози

№	Кўрсаткичлар	1 чорак		1-ярим йиллик		9-ойлик		Йиллик		КПЭ
		Ўлчов бирлиги*	2023 йил учун прогноз кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги*	2023 йил учун прогноз кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги*	2023 йил учун прогноз кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги*	2023 йил учун прогноз кўрсаткичи	
1	Сотишдан тушган соф тушум прогнози кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)	5,00	50 376 919,00	5,00	105 201 000,00	5,00	145 513 000,00	5,00	200 174 384,00	5,00
2	Соф фойда (зарар) прогнози кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)	10,00	37 672 445,00	10,00	65 718 914,00	10,00	81 612 336,00	10,00	96 434 482,00	10,00
3	Активлар рентабеллиги (%)	8,00	15,97	8,00	15,97	8,00	15,97	8,00	15,97	8,00
4	Кoeffициент (платежеспособности) покрытия	15,00	1,55	15,00	1,55	15,00	1,55	15,00	1,55	15,00
5	Кoeffициент финансовой независимости	15,00	3,00	15,00	3,00	15,00	3,00	15,00	3,00	15,00
6	Расчет дивидендов (в тыс.сумах)	10,00		10,00		10,00		10,00		10,00
7	Показатель выполнения параметров экспорта (в % к установленному заданию)	10,00	100,00	10,00	100,00	10,00	100,00	10,00	100,00	10,00
8	Общий объем грузопереработки, тыс. тонн	15,00	300,817	15,00	660,878	15,00	1106,148	15,00	1476,1	15,00
9	Выполнение показателя доходов всего, тыс. сум	12,00	65 493 387,00	12,00	130 856 498,00	12,00	180 372 458,00	12,00	222 879 793,00	12,00
	ЖАМИ	100,00		100,00		100,00		100,00		100,00

ЖДКЭ
